

АВЕСТА ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИССЛЕДОВАНИЙ АВЕСТЫ

THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF AVESTAN STUDIES

URAZOVA Rano

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
Associate Professor, Doctor of Philosophy (PhD)
of chair Religious Studies and Comparative Study of World
Religions UNESCO
urazovar8@gmail.com
Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan

DOI: 10.47980/PIAU/2025/4/8

Аннотация: Ушбу мақола Авеста тадқиқотларининг назарий-методологик асосларига бағишланган. Жумладан, мақолада милоддан аввалги II минг йиллик ўрталаридан бошланган илк давлатчилик ҳамда протошаҳар маданияти I минг йилликнинг бошларидан, яъни бундан уч минг йил чамаси аввал бронзадан илк темир асрига ўтиш оралиғида Марказий Осиёнинг илк ҳудудий давлатчилик уюшмалари пайдо бўлганлиги ва айни пайтда зардуштийлик ўша замон тақозосига кўра ижтимоий, шунингдек, сиёсий муносабатларнинг маънавий, ҳуқуқий, ахлоқий-фалсафий асосларини ўзида мужассам этишига қодир дунёқараиш тизими бўлиб юзага чиққанлиги илмий асосланган.

Мақолада инсоннинг ақлий, руҳий, жисмоний қобилиятлари аста-секин унинг табиат сирлари билан ошно бўлиб, ўзлигини англаши сари йўл очганлиги, қадимий асотирий дунёқараиш тизими эса илоҳий қараишларга айланганлиги ҳақидаги фикрлар баён қилинган. Энди одам тасаввурида табиат ҳодисалари устидан ҳукмрон, ҳатто, уларни яратишга, тартибга солиб туришга қодир. Хуллас, инсоннинг ҳимоятини таъминлашга масъул эзгу илоҳий тимсоллар тизими пайдо бўла бошлаган. Инсон мана шу тизимни азал-азалдан фақат эзгу кучлар ибтидоси сифатида тасаввур қилишга мойил бўлган ва айни шу хусусиятлар зардуштийликнинг маънавий-фалсафий асосларига, космогониясига, диний тизимига хос бўлганлиги очиқланган.

Мақолада таъкидланганидек, зардуштийлик дини тарихий шароит тақозоси эди. Зеро, дин бронза асрининг ривожланган босқичида тарихий тараққиёт имкониятлари чеклангани сабабли инқилобий фикр сифатида юзага келди, яъни худолари турлича бўлган ҳамда эътиқодлари хилма-хил жамият ижтимоий бирлашув зарурати олдида ожиз эди. Шу ҳақиқатни ўз давридан илгор фикрли вакили, ўзигача замонлардан етиб келган ибратларидан хабардор Зардушт (Заратуштра)

биринчи бўлиб англаб етгани муаллиф томонидан баён қилинган.

Шунингдек, мақолада зардуштийлик илоҳиёт тизими (Авеста) ҳиндуийлик (Ведалар) илоҳиёти билан қиёсий таҳлил қилинган. Жумладан, Ригведада илоҳиёт тизими моддий дунёнинг асотириллашган акси бўлгани ҳолда, Зардушт тасаввуридаги илоҳий зот қалбан идрок этиладиган тимсолий зот бўлиб, унинг моддий ашёвий асослари йўқ, зеро барча моддийликда унинг борлиги намоёндр, дея хулоса берилган. Шу билан бирга, Зардушт гоёсининг юнон илоҳиёт тизимидаги политеизмга нисбатан ҳам ўта илгор даражада эканини таъкидланган.

Калит сўзлар: Авеста, Зардушт, зардуштийлик, Гоҳлар, Марказий Осиё, Аҳура Мазда, Атар, Аши, Митра, Ардвӣ Суря.

Аннотация: Статья посвящена теоретико-методологическим основам исследований Авесты. В частности, в статье научно обосновано, что ранняя государственность и протогородская культура, начавшиеся в середине II тысячелетия до нашей эры, возникли в начале I тысячелетия, то есть около трех тысяч лет назад, в период перехода от бронзового века к раннему железному веку, когда появились первые региональные государственные объединения Центральной Азии, и в то же время зороастризм, в соответствии с требованиями того времени, возник как система мировоззрения, способная воплотить в себе духовные, правовые, нравственно-философские основы социальных и политических отношений.

В статье изложены мысли о том, что умственные, духовные и физические способности человека постепенно приобщались к тайнам природы, открывая путь к самосознанию, а древняя мифологическая система мировоззрения превратилась в божественные взгляды. Теперь в человеческом воображении начала появляться система благородных божественных символов, способных господствовать над природными явлениями, даже создавать и регулировать их, короче говоря, обеспечивать защиту человека. Человек всегда был склонен представлять эту систему только как источник благородных сил, и эти особенности были характерны для духовно-философских основ, космогонии и религиозной системы зороастризма.

Как подчёркивается в статье, зороастризм был обусловлен конкретными историческими условиями. В период развитого этапа бронзового века, когда возможности исторического развития были ограничены, данная религия возникла как своего рода идейный прорыв. Общество, отличавшееся многообразием божеств и разнородностью верований, оказалось неспособным к устойчивому социальному объединению. По мнению автора, эту реальность первым осознал Зардушт (Заратуштра) – мыслитель, опередивший своё время и глубоко осмысливший духовное наследие предшествующих эпох.

Кроме того, в статье проводится сравнительный анализ зороастрийской теологической системы, представленной в «Авесте», и индуистской религиозной традиции, отражённой в Ведах. Делается вывод о том, что в «Ригведе» теологическая система выступает как мифологизированное отражение материального мира, тогда как в представлении Зардушта божественное начало мыслится как символическая, духовно постигаемая сущность, не имеющая материально-вещественной основы, но проявляющаяся во всём сущем. Одновременно подчёркивается, что идеи Зардушта значительно опережали политеистические представления древнегреческой религиозной системы.

Ключевые слова: Авеста, Заратуштра, зороастризм, Гаты, Центральная Азия, Ахура Мазда, Атар, Аши, Митра, Ардви Сура.

Abstract: The article focuses on the theoretical and methodological foundations of Avestan studies. Specifically, it provides scientific evidence that the early statehood and proto-urban culture, which emerged in the mid-2nd millennium BCE, led to the formation of the first territorial state associations in Central Asia at the beginning of the 1st millennium BCE - approximately three thousand years ago - during the transition from the Bronze Age to the Early Iron Age. Concurrently, Zoroastrianism developed as a worldview system that, in accordance with the demands of that era, was capable of embodying the spiritual, legal, moral, and philosophical foundations of both social and political relations.

The article also states that a person's mental, spiritual, and physical abilities gradually became acquainted with the secrets of nature, paving the way for self-awareness, and the ancient mythical worldview system transformed into divine views. Subsequently, in human perception, a system of benevolent divine archetypes emerged, conceived as governing natural phenomena and even as capable of creating and ordering them, thus ensuring the protection of humanity. Humans were naturally inclined to perceive this system exclusively as the origin of benevolent forces. These characteristics have been identified as distinctive features of Zoroastrianism's spiritual-philosophical foundations, cosmogony, and religious system.

As noted in the article, Zoroastrianism was a requirement of historical circumstances. The author explains that religion emerged as a revolutionary idea during the advanced stage of the Bronze Age due to the limited possibilities for historical development; in other words, societies with diverse gods and beliefs were insufficient to meet the needs of social cohesion. This reality was first comprehended by Zoroaster (Zarathustra), a forward-thinking figure of his time who was aware of the lessons inherited from previous generations.

The article also presents a comparative analysis of the theological system of Zoroastrianism (the Avesta) with that of Hinduism (the Vedas). Specifically, while the theological system in the Rigveda represents a mythologized reflection of the material world, the divine being in Zoroaster's conception

is understood as a symbolic entity perceived by the heart, lacking any material basis, for its presence is manifested in all material existence. At the same time, it is emphasized that Zoroaster's ideas were highly advanced in comparison to the polytheism of the Greek theological system.

Keywords: Avesta, Zoroaster, Zoroastrianism, Gathas, Central Asia, Ahura Mazda, Atar, Ashi, Mithra, Ardvi Sura.

КИРИШ

Мил. авв. I минг йиллик бошларида Зардушт томонидан шакллантирилган ижтимоий, диний, ахлокий-фалсафий таълимот Мазда Ясна Турону Эрон халқларининг исломдан аввалги муштарак динига айланган ва асосчиси номи билан ҳозирга қадар зардуштийлик деб атаб келинади (Исҳоқов М., 23:126). Зардуштийликнинг тарихий илдизлари янада узок ўтмишга бориб тақалади. Авеста мазмунида акс этган ва дин амалиётида сакрал тус бериб, илоҳийлаштирилган бой мифологик қатлам ажодлар онгида ибтидоий даврлардан бошлаб одам ва олам муносабатларининг тимсолий тизимига айланган. Милoddan аввалги II минг йиллик ўрталаридан бошланган илк давлатчилик ҳамда протошаҳар маданияти I минг йилликнинг бошларида, яъни бундан уч минг йил чамаси аввал бронзадан илк темир асрига ўтиш оралиғида Марказий Осиёнинг илк ҳудудий давлатчилик уюшмалари пайдо бўла бошлади. Айни пайтда зардуштийлик ўша замон тақозосига кўра ижтимоий, шунингдек сиёсий муносабатларнинг маънавий, ҳуқуқий, ахлокий-фалсафий асосларини ўзида мужассам этишга қодир дунёқараш тизими бўлиб юзага чиқди.

Зардуштийлик дастлаб Мазда Ясна (яъни Мазда номли олий инстантга сиғиниш) номи билан аталиб, Турон ва Эрон халқларининг исломдан аввалги муштарак дини эди. Зардуштийлик дини ва унинг тарихи учун асосий манба Авеста китобидир. Авеста китоби матни ҳинд-европа тиллар оиласининг ҳинд-орий тармоғига тегишли унутилган шарқий эроний тилда ёзилган. Ушбу матн тили шартли равишда “авеста тили” деб аталади (Уразова Р., 30:20-22). Авеста тилининг тарихий вориси йўқ. Бу тил бирорта эроний тилда давом этмаган ҳолда, Авеста матнларида “қотиб қолгандек”. Олимлар авеста тили билан ҳинд халқининг жаҳоншумул маънавий мероси Ведалар тили ўртасида ўхшаш хусусиятларни пайқаганларидан бошлаб, уч юз йилдан ошибдики, қиёсий тилшунослик усулларини ишга солиб, бу тил устида тинимсиз изланиб келишмоқда. Бироқ авеста тили ҳалигача мукамал

ўрганилган дейиш қийин. Бу тилнинг ўхшаши йўқлигидан ташқари Авестада акс этган ижтимоий вазият, турли хил ҳаётий реалийлар бугунги замон тасаввурларидан йироқ. Бундан ташқари Авестада аниқ замон ва макон акс этмаган. Ундаги эзгулик ғоялари умуман башариятга, унинг руҳий ва жисмоний поклигини таъминлашга қаратилган. Ундаги мантикий аудиторияга қаратилган изчил даъваткор мурожаат муайян жамиятга эмас, умуман инсониятга қаратилган. Айни шу хусусияти туфайли зардуштийликнинг моҳиятини тушуниш учун унинг пайдо бўлган даврини тўғри идрок этиш, бошқача айтганда, Авестада акс этган тафаккур оламига “кириш”, зардуштийлар руҳий дунёси орқали улар эъозлаган матнни англаш, ҳозирги тафаккур қолипига солиб баҳолаш талаб этилади. Бу ҳолатни юнон адабиёти тўғриси, мифологик дунёсига татбиқан қаралса, масала янада яққолроқ кўринади. Чиндан ҳам асотирий тафаккур борлиқнинг моҳиятини ҳаёлот орқали жонлантиради, турли тимсолий киёфалар яратади. Уларнинг ўзаро муносабатини эса ердаги кундалик реал манзаралар қолипи орқали идрок этишга уринади. Шу каби ёндашув тамойили Авеста учун ҳам бегона эмас. Жумладан, Авестада космогоник тасаввурлар бир туркумни ташкил этади. Масалан, осмон “Аҳура Мазданинг устидаги либоснинг этаги” (Исҳоқов М., 23:128), “курраи заминнинг юмалоқлиги”, борлиқнинг “олд” ва “орқа” томони - жануб ва шимол тимсоллари. Бу тушунчаларнинг тарихий, ахлоқий-фалсафий асосида эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва зулмат тушунчаларига боғлиқлиги – буларнинг барчаси диний тизим юзага келгунга қадар асотирий тафаккур меваси эканлиги муҳим ва эътиборга лойиқ. Авестани тушунишда айни шу мифологик қатламнинг дин тизими доирасига олиб кирилиши муҳим тарихий ечим бўлган дейиш мумкин. Зеро, халқнинг табиат ва жамият ҳақидаги тасаввур ҳамда эътиқодий қарашлар ривожининг муайян босқичи асотириларга таянади. Ўз навбатида асотирилар одамларнинг борлиқ ҳақидаги тушунчаларини, айниқса, уларни ўраб турган табиат ва жамиятни қандай идрок этишларини ўзида акс эттиради. Инсониятнинг асотирий ижодиёти аввало жамоавий хусусияти билан ўзига хосдир. Ҳатто индивидуал асотирий ижод намунаси бўлган тақдирда ҳам жамоавий ҳамда кўп минг йиллик асотирий ижодий жараён маҳсулидан фойдаланмай иложи йўқ. Масалан, Фирдавсийнинг “Шохнома” асари шу усулда яратилган (Абулқосим Фирдавсий, 4:736). Шу сабабли асотирий ижодиёти жараёнларининг илк қадамлариданоқ, одамзоднинг табиат олдида

ожишлиги туфайли, турли табиий ҳодисалар олдида ҳимоятсиз одам учун асотирий тизимида қўрқинчли, ғайритабиий тимсоллар етакчи ўрин тутган ва аксинча, асотириларда ёвуз ва қудратли салбий кучларни енгиллашга қодир қахрамонлар образлари ҳам пайдо бўлади (Токарев С., 38:58,81). Инсоннинг ақлий, руҳий, жисмоний қобилиятлари аста-секин унинг табиат сирлари билан ошно бўлиши, ўзлигини англаши сари йўл оча бошлаган (Стеблин-Каменский М., 27:147). Натижада, қадимий асотирий дунёқараш тизими илоҳий қарашларга айланган. Энди одам тасаввурида табиат ҳодисалари устидан ҳукмрон, ҳатто, уларни яратишга, тартибга солиб туришга қодир, ҳулласки, инсоннинг ҳимоятини таъминлашга масъул эзгу илоҳий тимсоллар тизими пайдо бўла бошлади. Инсон мана шу тизимни азал-азалдан фақат эзгу кучлар ибтидоси сифатида тасаввур қилишга мойил бўлган. Айни шу хусусият зардуштийликнинг маънавий-фалсафий асосларига, космогониясига, диний тизимига хос бўлган (Махмудова Г., 15:202). Зардуштийлик дунёқараш тизимининг туб илдизлари ибтидоий қадимиятга тутшиб, Зардушт ислохотлари даврида туширилган диний таълимот даражасида талқин этилган (Бойс М., 21:303).

Зардуштийлик тарихий асосларга кўра инсоният тафаккурига кириб келган қадимий динлар қаторида туради. Бу қадимий фалсафий дунёқараш тизими кўпчилик олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб, ўртача ҳисобланганда мил.авв. II минг йиллик ўрталаридан бошланиб, мил.авв. X-IX асрлар орасида муайян тизим шаклига келган. Бироқ, зардуштийликнинг генетик асосларида ибтидоий даврлардан хабар берувчи аломатлар жуда кўп бўлиб, айниқса, зардуштийлик тасаввури ва тафаккурига хос мифологик қатламлар, юқорида таъкидланганидек, примитив динлар қолдиқлари сифатида узоқ қадимият билан туташади. Ўша қадимият бағридан тўпланган тасаввурлар йиғиндиси диний киёфа олиши мазкур келтирилган саналар орасида рўй берди.

Зеро, бу давр бронза асри бўлиб ижтимоий ҳаёт илк мулкчилик муносабатлари доирасига кирган, жамиятни бошқариш билан боғлиқ ташкилий муаммолар юзага келган ва оммани муайян мафкура атрофида бирлаштириш эҳтиёжи бўй кўрсатган давр эди. Бунга қадар зардуштийлик тарқалиши тарихий эҳтиёжга айланган маконда эътиқод шакллари хилма-хиллиги, қабила ва уруғлараро илоҳий тушунчалар ранг-баранглиги, ҳали ўзини мифологик асосларидан ажратмаган “диний” тушунчалар ҳукмрон эди. Айни шу мураккаб замонда омманинг

эътиқод шакллари бирлаштириш хусусан, илоҳий зотларнинг бошини якка улуғликка боғлаш зарурияти замон тақозосига айланди. Чунки, бу даврда ижтимоий ҳаёт кичик воҳа ва воҳачалардан чиқиб, катта ҳудудий бирликлар доирасига ёйилган эди. Ўзбекистон мисолида бу жараёни сополли маданиятининг босқичларида кузатиш мумкин (Музрободсойдаги сополли жамоасининг демографик ҳамда иқтисодий салоҳияти ортиб бориши Шеробод воҳаси ўзлаштирилиши ва илк шаҳар Жарқўтон мажмуи пайдо бўлишига олиб келган) (Асқаров А., 1:1977).

Бу ҳолат зардуштийлик динининг тарихий шароит тақозоси шароитида талқин қилиш имконини беради. Зардуштийлик бронза асрининг ривожланган босқичида тарихий тараққиётдан ундан буёнги имкониятлари чеклангани сабабли инқилобий фикр сифатида юзага келган, яъни худолари турлича бўлган ҳамда эътиқодлари хилма-хил жамият ижтимоий бирлашув зарурати олдида ожиз эди. Шу ҳақиқатни ўз давридан илғор фикрли вакили, ўзигача замонлардан етиб келган ибратларидан хабардор Зардушт (Заратуштра) биринчи бўлиб англаб етган, десак муболаға бўлмайди. Бу ҳақда бевосита ёзма маълумотлар йўқлиги сабабли, ушбу тафаккурий инқилоб даражасидаги воқелик моҳияти, муаллифлиги зардуштийлик номи билан боғлиқ бўлган “Тоҳ”лар орқалигина тушуниш мумкин. Ўз навбатида, бундай ёндашув Зардуштдан шахси билан боғлиқ мураккаб муаммонинг калитидир. Ҳолбуки, Зардушт шахсини гоҳ ровий, гоҳ тарихий асосларда тушунтиришга уринишлар фанда кенг маълум.

УСЛУБЛАР

Мақолани ёритишда назарий, тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий таҳлил, мавжуд муаммоли масалаларга реал ёндашув ва ижтимоий-маданий методларидан фойдаланиш кўзда тутилган бўлиб, бунда асосан авесташунослик тадқиқотларининг назарий жиҳатлари эътиборга олинди. Мавзунинг илмий аҳамиятини оширишда диншуносликнинг назарий, тарихийлик методи билан биргаликда мавзу қўламини кенгайтириш мақсадида тарих, фалсафа, адабиёт фанлари доирасидаги таҳлиллар ҳам белгиланган вазифаларни амалга оширишда ечим бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, Авеста тадқиқотларининг назарий-методологик асослари тўлақонли ёритиш мақсадида бир қанча омил ва мезонлардан фойдаланилди. Зардуштийлик ўзининг генетик асосларида ибтидоий

асотирий диний тасаввурларнинг трансформацион қайта ишланиши натижаси эканлигини илмий асосланган. Зардуштийлик бронза ва темир даврлари илк давлатчилик жараёнларида жамиятни ижтимоий-маънавий уюштириш омили сифатида тарихий зарурият туфайли диний тизимга айлангани очиқланди.

Жумладан, мақолада зардуштийлик динида Арта (Аша) тушунчасининг Ҳақиқат, олий илоҳий зотнинг Ҳақ эканлигини ифодаловчи категориял моҳияти очиб берилган. Авестада шахслаштирилган асотирий қаҳрамонларни илоҳийлаштириш ва табиат унсурларига эътиқод зардуштийлик илоҳиёт тизимининг тарихий асоси сифатида илмий далилланган. Зардуштийликнинг якка худолик ғояси илк темир асрида ибтидоий тарқоқ уруғчиликдан ота уруғи тузумига ўтиш жараёнида жамиятни маънавий жиҳатдан уюштиришга хизмат қилиши далилланган.

Мақоланинг услубий асосида қамровидаги мавзулар таркинида тизимлилик, тарихийлик, ҳамда уларга тааллуқли адабиётлар ва манбалардан типологик ва комплекс тарзда фойдаланиш кўзда тутилган.

НАТИЖА

Зардуштийлик пайдо бўлган давр мил. авв. II минг йиллик охири ва I минг йилликнинг бошлари, яъни бундан уч минг йилга яқин қадимият бўлиб, бу бронза ва темир асри оралиғидаги илк ҳудудий воҳа давлатчилик уюшмалари даври ҳисобланади. Ўз замони тақозосига кўра зардуштийлик муайян ижтимоий муносабатларнинг маънавий, ҳуқуқий ва ахлоқий-фалсафий асосларини ўзида мужассам этган. Авеста тадқиқотлари тарихига назар ташланса, Ғарб шарқшунослари XVIII асрларда Авестани ўрганишга жиддий киришганларини кўриш мумкин. Бирин-кетин, инглиз ва француз тилларида ушбу китоб таржималари чоп этила бошланди. И.Мейрирснинг “Зардуштнинг ҳаёт йўли, низоми, даъватлари ҳамда асарлари” (1774-1778) китоби муҳим аҳамиятга эга. Немис олимларидан Й.Г.Роденинг “Зенд халқлари”, Э.Раскнинг “Зенд Авеста” ва “Зенд тилининг қадимийлиги ва ҳаққонийлиги” (1820-1827) китоблари шулар жумласидандир. Француз тилшуноси А.Бюрнуфнинг “Яснага шарҳлар” китоби авесташунослик тарихида янги бир босқич бўлди. У А.Дюперрон ишини давом эттириб, Авестанинг лексик ва грамматик хусусиятларини анча пухта ўрганди. XX асрнинг бошларидаги авесташуносликда Х.Барталоме

Авестанинг таржималари асл матни, у ҳақидаги тадқиқотларни 30 йил давомида ўрганиб чиқиб, 1878 йил “Қадимги эрон тили лугати”ни чоп эттиради ва “Тоҳ”ларнинг таржимасини яратади. Зардуштийлик тадқиқотларига авесташунос олима М.Бойснинг ишларини алоҳида таъкидлаш зарур. Унинг асарларида мазкур дин тарихи, зардуштийларнинг урф-одат ва маросимлари ўрганилиб, илмий хулосалар берилган.

Б.Ғ.Ғофуров, И.Ғ.Алиев С.Н.Соколов, И.М.Стеблин-Каменский, С.П.Толстов, Е.Э.Бертельс, И.С.Брагинский, С.П.Толстов, В.А.Лившиц, Э.А.Дорошенко ва Л.А.Лелеков каби авесташунос олимлар Авестани [Л.А. Лелеков, 19:363] ўрганишга муносиб улуш қўшганлар.

Ўзбекистонда Авеста билан боғлиқ тадқиқотлар доирасида мавзуга оид маълумотлар акс этган Ф.Сулаймонова, Х.Хомидий, А.Қаюмов, А.Маҳкам, М.М.Исҳоқов, А.А.Асқаров, Р.Х.Сулаймонов, Э.В.Ртвеладзе, М.Исамиддинов, Г.Т.Махмудова, А.Аширов, Ш.Б.Шайдуллаев, Б.Абдолниёзов, Р.Т.Уразова каби маҳаллий тадқиқотчиларнинг асарларини киритиш мумкин (Уразова Р., 28:116). Келтирилган тадқиқотларда асосан Авеста матнидаги илк давлатчилик, яқка худолик ғояси ва илоҳиёт масалаларининг айрим соҳаларига қисқача изоҳлар берилган. Қисқа тарихшунослик тафсилотлари яққол кўрсатиб турибдики, фанда Авестани ўрганиш, зардуштийлик динининг инсоният тарихидаги ўрнини тўла-тўқис кўрсатиб бериш вазифаси ҳали олдинда ва кўплаб ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга эга. Авесташунослик тарихида француз тилшуноси А.Бюрнуфнинг “Яснага шарҳлар” китоби янги босқич сифатида баҳоланади. У А.Дюперрон ишини давом эттириб, Авестанинг лексик ва грамматик хусусиятларини анча пухта ўрганади ва Бехистун ва Персеполис қоятош битиклари тили билан ҳамда қадимги ҳинд Ведалари билан қиёсий-типология таҳлил этади. Натижада бу олим ёдгорлик қатламини аниқлашда янги бир босқични бошлаб беради. Виндеман ўзининг машҳур “Зардуштийлик тажрибалари” номли тадқиқотида Митра ва Анаҳита ҳақидаги мифларни ҳинд эпоси билан солиштирар экан, Бюрнуфнинг қиёсий - типология усули нақадар илмий асосланганлигини яна бир бор таъкидлаган. Шундай қилиб, Ғарбий Европа шарқшунослигида Авеста моҳияти хусусида икки йўналиш пайдо бўлади: айрим олимлар Авеста билан Ведаларнинг илдизи бир, улардаги мифларнинг ўхшашлиги шундай хулоса чиқаришга асос бўлади, дейишса, иккинчи гуруҳ олимлар бунга қарши фикр билдириб, “ҳар икки ёдгорлик бўлак-бўлак заминда вужудга

келган, уларни моҳиятида жиддий тафовутлар бор, шунинг учун Ведани ҳам Авестани ҳам ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ўрганиш ва баҳолаш лозим”, - дейдилар (Исҳоков М., Уразова Р., 18:72-80). Авестанинг кейинги тўлароқ таржималари ва улар асосидаги тадқиқотлар иккинчи йўналиш тарафдорлари фикрлари тўғрилигини тасдиқлади. Бу тадқиқотларда бир томондан зардуштийлик динининг катта минтақани қамраб олгани, ҳақиқатдан ҳам яқкахудоликка асосланган эътиқод эканлиги кенг таҳлил этилса, иккинчи томондан ёдгорлик тилининг грамматик хусусиятлари илк бор илмий жиҳатдан анча пухта текширилди (Лелеков Л., 19:363). Кейинчалик тилшунослардан Бопп, Жолли, Гарда Жакиналарнинг турли ҳажмдаги китоблари нашр этилдики, уларда Авеста тилининг фонетик, лексик ва морфология жиҳатлари у ёки бу даражада ўрганилган.

Э.Бенвенестнинг фикрича, Зардуштнинг бош ғоясига зид ўлароқ, Мазда-Ясна, яъни Маздага эътиқод қаторида Митра-Ясна эътиқоди бир муддат муҳолифатда турган. Ушбу жоҳилият қарашлари қаторида Митра дастлаб инкор этилганлардан бири эди (Элиаде М., 22:2002). Бироқ, Митра Кенжа Авестада энг улуғ маъбудлардан бирига айланди. Бу фикрни В.А.Лившиц ҳам таъкидлаган (Livshits, 37:1977). Ўз даврида А.Кристинсен, Л.Грант, Х.Нюберглар ҳам Зардушт мафкурасида анъанавий митраизмга қарши кураш руҳи бўлганини қайд этишган (Лелеков, 19:363).

Зардушт диний ислоҳотида яна бир жиҳат шуки, у абадий барҳаёт малоикалар тизимини Аҳура Мазданинг тажаллилари сифатида асослаб берганидир. Бу Ваҳу Мана, Арта Ваҳишта, Спента-Армаитий, Хшастра-Варйа, Хаурватат, Амерэтотлардан иборат тизимга айланди ва диннинг энг олий категориясига айланди (Исҳоков М., 24:22-30). Бироқ бу масалада олимларнинг фикрлари турлича бўлиб, В.Хеннинг ушбу олти малоика тизимини жуда нозик илоҳиёт конструкцияси деб атаган. Ҳатто, оммавий эътиқод учун уларни ноқулай бўлган, деб ҳисоблаган. Ҳолбуки, Зардушт бу олтиликни ҳинду-арий муштараклиги замонларидан ўз таълимоти доирасига олиб кирган ва бир вақтнинг ўзида Ведаларда бетартиб сочилиб ётган тажалли ғояларни аниқ тизимга солган ва уларни Аҳура Мазданинг бевосита иродот ижрочиларига айлантирган.

Зардуштийлик таълимотининг учинчи ўзига хос жиҳати, балки етакчи ғояси, эзгулик ва ёвузлик ўртасида буюк танлов масаласидир. Яъни, ҳар бир зардуштий яхшилик ва ёмонлик ўртасида танлашда

эркинлиги масаласидир. Ушбу даъво тарихий илдизлари нуқтаи назаридан зардуштийликда илк бора ахлокий - фалсафий Канон даражасига етказилган. Зардуштгача бу каби -ғояларнинг айрим унсурлари хинду-эрон, хинду-арий замонларида юзага келган бўлиб, Ведаларда маросимларнинг тўғри ёки нотўғри бажарилиши маъносида учрайди. Зардушт ислохотида эса эзгулик ва ёвузлик ўртасида танлов масаласи аниқ шаклга кирган. Ахунавайити Гоҳнинг учинчи қўшиғида (30-Ясна)да артавон ҳақпараст огоҳ хушёрларга мурожаат этиб, “ҳар бирингиз назар ташлашингиз, то буюк ҳодиса рўй бермасдан, то қадамларимиз сўнгги манзилга етмасдан икки йўлдан бирини ўзингизга ихтиёр этингиз...” (Исҳоқов М., 39.304).

Ушбу қўшиқнинг 3-бандида эзгулик ва ёвузликнинг эгизаклиги ва уларни танлашда огоҳлар эзгулик томонида, ноогоҳлар эса ёвузлик томонидан бўладилар, дейилган (Маҳкам А., 3:10-11). Зардушт даъвати ва таъваллосининг асосий ғояси 31-Яснадан бошланади. Хусусан, унинг биринчи бандида Зардушт “Эй, хушёрлар, - дея мурожаат этади ва дейди, - сизларни ҳали бирор маротаба эшитмаганингиз ҳодисалардан огоҳ этаман... Бу сўзларга дил боғлаган нарсa ғоятда ёқади. Дуруж - ёлғонга қулоқ осганлар ва унинг таълимини олганлар оқибати ғоят хунук бўлади” (Маҳкам А., 3:10-11). Шундай қилиб, Зардушт ижодкорона кийёфасида инсоният тарихида илк бора изчил тизимга солинган таълимот асосчисини кўриш мумкин.

Зардушт таълимотининг ноёб хусусиятларидан бири “ҳали ҳеч ким қулоғига етмаган сўз ҳақидаги ғоядир”. Бу сўз ўз навбатида, Ахура Мазданинг ҳақ сўзи бўлиб, Зардушт Маздага илтижо қиладики, “Сен ўз тилинг ва ўз каломинг билан ҳар икки гуруҳга (огоҳ ва ноогоҳлар) бахш этиш ҳодисадан бизни огоҳ айла. Ҳақиқат тарафида бўлганларга ваъда қилганинг бахт-саодатдан хабар бер. Токи, мен ушбу билан одам болаларини сенинг динингга даъват қилай” (Маҳкам А., 3:14). Зардушт таълимотининг асосий белгиларидан бири ибтидоий даврларда амал қилган кўп миқдорда қон тўкиш орқали келтириладиган эҳсонларни инкор этишга қаратилган. Бундан қурбонликлар ўрнига қон чиқармасдан қилинадиган эҳсонларни жорий этди (булар Хаома, турли нозу неъматлар, муқаддас олов учун ёқилғи ва ҳ.к. Бироқ, Зардуштнинг бу ғоясига хос бўлмаган қурбонликлар анъанаси, Кенжа Авестада канон доирасига қайтариб олиб киритилган. Жумладан, Ардви Сура (Обон Яшт) алқовида ҳатто, Ахура Мазданинг ўзи Ардви Сурага ибодат бағишлаб, Зардушт кўнглига унинг ҳақиқати жо бўлишини сўрайди.

Шу алқовнинг 6-бандидан бошлаб эса, Хушанг, Ажи Даҳақа, Фаридун, Курушапс, Франгхрасён, Тус, Жомасп ва бошқалар юзлаб ва минглаб чорвани Ардви Сура йўлида қурбонликлар қилиб, улардан ўз ният-истакларини илтижо қиладилар (Исҳоқов М., 23:128). Бу ҳол Зардушт ғояларининг қадимий анъаналар ҳисобига қайта-қайта ишланишининг оқибатидир. Шу ўринда қайд этиш лозимки, мазкур алқовлар матни ичра Зардушт тақдим этган Хаомани эҳсон қилиш анъанаси ҳам четда қолдирилмаган. Масалан, Ахура Маздага эҳсонлар қаторида сут қўшилган Хаома эҳсон қилингани бир неча ўринда қайд этилган. Демак, Авеста таркибига Зардуштдан кейин мубадлар томонидан киритилган қисмлар ва ғояларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган.

Эзгулик ва ёвузлик ўртасида танлаш имконияти инсон учун эркин қолдирилиши тафаккур тарихида жиддий бурилиш ясаган бўлиб, бу ҳақиқатнинг диний тизимга кириши Зардушт билан боғлиқ бўлган. Зеро, айрим олинган шахснинг амали унинг ўзигагина эмас, балки бутун борлиқ ичра ё эзгу ғояга, ёки ёвузлик асосига хизмат қилади. Яъни, шахснинг ички дунёси унинг фикру зикри, ният холислиги, сўз холислиги ва амал эзгулиги нафақат жамият учун (социум), балки бутун борлиқ учун муҳимдир. Бу буюк ғоя эгаси бўлмиш Зардушт шу сабабли Гоҳларда буюк маъбудлар Митра, Ардви, Вараҳран, Вайю ва бошқаларга эҳтиёж сезмаган.

Бинобарин, борлиқнинг тақдири эзгулик ёки ёвузлик йўлида айрим олинган инсоннинг иродаси, руҳининг нимага йўналгани, сўзининг нимага қаратилгани ҳал қилади, деб тушунилган. Шундан келиб чиқиб, Л.А.Лелеков бутун борлиқ, тарихий жараёнини Зардушт томонидан ахлокий, маънавий ва илоҳий контекст билан боғланганини таъкидлайди. Бироқ, “Гоҳ”ларда ушбу муҳим тафаккурий эврилиш ғоят мавҳум тусда баён этилган дейилади. Бироқ, “Гоҳ”ларнинг мавҳумотини бироз четлаб ўтиб, уларнинг ҳаётий йўналтирилган моҳиятига кирилса, асл инсоний содда мақсадни осонгина илғаш мумкин. Масалан: Ахунавайтий Гоҳнинг 1-бандларига қулоқ солинса, улуг даъват оҳангини илғаш қийин эмас. Биринчи бешликни бир йўла икки хил таҳлил қилиш мумкин:

Ясна... Борлиқнинг, дунёнинг ҳолиқисан, эй Мазда!

Эзгулик орзуйинг қўлларим ёзиқ, руҳим намозда.

Ниятим Артадир - ҳақнинг тимсоли, гувоҳдир Баҳмон

Токи сен қувонгил, севингин сен ҳам, валий Говишрвон!

Закийлигимдан хушнуд бўлса деб ул руҳи олам.

Шу Гохнинг яна бир бешлигида Зардушт ўзининг универсал илоҳиёт ғояси Ахура Маздани кўзда тутган ҳолда унинг бош сифати Эзгу ният муаққилига мурожаат этиб, “Сен ҳақиқатсан эй, эзгу ният, янги Аҳдимсан, эътиқодим қўшиғи, деб танладим сени. Токи, борлиқ вужудимда қалбим тўрида, Очунбеги – шаҳриёри ҳамда армаитий хислатларинг билан тўлсин, бўлсин зиёда. Сендан нажот, мадад сендан, шулдир кутганим, яхши кунни етказ деб умид тутганим”.

Кўриниб турибдики, Зардушт “Гох”лари, баъзи муаллифлар айтганидек, у қадар мавҳум эмас. Мавҳум туюладиган оҳанглар бизнингча ўз даври учун бу каби ноёб тафаккур ҳодисасини янада сирли ва жозибали бўлишига хизмат қилган бўлиши керак. Мана яна бир соддалик. Ахунаваитий Гохнинг 6-қўшиғи, 1-бандида бундай дейилади:

Тириклик, борлиқнинг асосидир Ҳақ.

Ашадир дунёнинг борлиқ қонуни.

Барчага ҳақ йўлин фарз эрур тутмоқ

Артабон масъулдир дуруғбон агар

Адашса тўғрилиқ йўлига элтмоқ.

Зардуштнинг тарихий миссияси Ахунаваитий Гохнинг 30 - 31 Ясна қўшиқлари мазмунида мужассам бўлган. Жумладан, 30-қўшиқ (Гохларнинг 3-қўшиғи) 1 бандида Ахура Мазда ва унинг таржимасида Ваху Манага шараф, алқовлар келтирувчи ва ҳақиқатдан огоҳ артабонлар икки бўлак ҳақиқатга икки буюк яратилиш ҳодисасига доҳил бўладилар. “Эй, нияти эзгу артабонлар. Бу улуғ ҳақ каломини Ахура шарофати билан рўшнолик ва шодмонлик ила мақбул айланг”. Ушбу даъват оҳанги 30-қўшиқнинг 2-бандида янада аниқ мақсад қиёфасини олади:

“Эй огоҳлар, бу сўзларни қулоғингизга қуйинг.

Хоҳ эркак, хоҳ аёл ҳар бирингиз ҳақ йўлига назар ташланг, токим икки йўлдан бирини ўзингиз учун ихтиёр айланг!”

31-қўшиқда бу фикрлар янада ривожланади. Айниқса, Зардуштнинг ҳайқирик даъвати ўзининг қалбифодаси сифатида намоён бўлган бандларни мисол келтириш мумкин:

“Ашаҳ ва Ваху Мана ҳакамлигида ўзим учун афзал йўлни ихтиёр этар... Энг олий мукофотим яратган зот йўлбошчиларини инсонларга ошкор айлашдир. Токим улар Ашаҳ Ҳақиқат нурлари остида комиллик ва абадият сари йўл тутсинлар. Зеро, Ваху Мана ва Олам Шаҳриёри эзгуликка мадад бергувчи кимсани юксакликка кўтаради”.

Зардушт ўзининг тарихий вазифасини чуқур идрок этган шахс сифатида намоён бўлади. У ўзи эришган ҳақиқатни “Мен орқали бир шахс номидан ўзгаларга ибрат қилиш усулидан фойдаланади”.

“Қачонки, - дейди у, - мен сени бутун борлиғим билан тирикликнинг ибтидоси ва интиҳоси деб билдим. Ўшанда мен сени қалб кўзи билан кўрдим. Сен ҳақиқатсан, яратгувчисан, олам аҳли амалларининг ҳакамисан”. Шу ўринда Зардушт таълимотининг асос тушунчаларидан бири ўртага қўйилади. Ахура Мазданинг моҳияти унинг турли эманацион намоёнлигида экани кўринади:

Армаитий сенинг эди.

Дунёнинг бунёди олам тафаккури сенинг эди.

Ўшанда сен олам аҳлига йўл танлаш озодлигини бердинг.

Ҳақ йўлида ниятини зиёд айлагувчи банда ўзига паноҳ ва раҳбар деб танлади.

Ёлғон йўлини танлаганлар эса, сенинг пайғомларингни элтувчи бўлмади (Исҳоков М., 10:304”).

Бу жумлалар аввало, аҳком нуқтаи назаридан эзгулик ва ёвузлик ўртасида танлаш ғояси билан боғлиқ бўлсада, зардуштона даъватнинг ёрқин мисолидир. Ушбу қўшиқнинг 14-бандида инсон тириклигининг маъно моҳияти ҳақидаги савол қўйилган ва ҳар бир ҳолат учун қандай оқибатлар келажаги Ҳақ издошлари ва ёлғонга тобеъийлар дафтарига нималар ёзилажаги, охиратда қандай ҳисоб-китоб бўлажаги ҳақида сўралган.

Қўшиқнинг 15-банди ижтимоий мазмуни жиҳатидан эътиборлидир. Зардушт Ахура Маздадан сўрамоқда:

“Абадият подшоҳнинг ниятини қўллаб-қувватловчи

Тириклик чоғида раҳнамо бошчи ва одамлар

Гуруҳи ўртасига фитна ва душманлик солувчи

Кимсаларнинг охират жазоси не бўлғай...?”

Бундан кейинги бандда мазкур ҳолатнинг акси эзгулик ҳаракатининг ажри сўралади. Кимки, - дейилади унда, - борлиқ сар-заминнинг қудратини ортирмоққа ва ҳақиқатнинг мутлоқ барқарор бўлишига хизмат қилса сенинг моҳиятинг билан бирлаша оладими?”. Ниҳоят, Зардушт ўзининг даъват ниятини очиқ изҳор қилишга ўтади: “Қарашлари тиниқ устоз (бу ўринда дин ҳақиқатини етказувчи зот), билимга ташна талабгорни ҳақиқатдан огоҳ этади, нодон эса алдайди ва гумроҳ қилади.

Шу сабабли бутун борлиқни вайрон этгувчи ёлғон издошларининг сўзларига қулоқ османг. Шундай зотнинг сўзларига қулоқ тутингки, у ҳақиқатни сўзласин, ҳақ ният қилсин ва амалда ҳақ бўлсин”.

Қўшиқнинг 20-бандида дунё динларида турлича талқинда келувчи жаннат ва дўзах қарама-қаршилигига ишорат учрайди. Бироқ,

зардуштийликда мавжуд дўзах ва биҳишт сўзлари учрамайди, балки уларнинг ўрнида рамзий ифода киритилиб, ёркинлик ва қоронғулик ташбеҳлари ишлатилади:

*Кимки Ҳақ ҳузурига келса
Охиратда унинг манзили ёруғлик бўлғай.
Зулмат эса қалб сўқирлиги
Охиратда афсусдир.*

Бу ғоя Аҳунавайтий Гохнинг 34-қўшиғида ҳам ривожланган. Масалан, унинг 6-бандида Зардушт Мазда Аша ҳақиқатга ва эзгу ният малоикасига талпинишини таъкидлайди. Олам Шаҳриёри тажаллисининг буюклигини қайд этади. Аҳура Мазданинг ўзига мурожаат этиб, “Сендан ўзга ҳеч кимсани танайман, ҳақиқатинг соясида менга паноҳ бўл”, - дея илтижо қилади (Исҳоқов М., 10.304).

Зардуштнинг ижодкорона шахсини тушуниб етиш учун яна бир ҳолатни эътиборга олмоқ лозим. Шу билан бирга бу Зардуштнинг бош ғояси - якка парвардигорлик масаласининг генезиси билан боғлиқдир. Зардушт ўзи ўсиб улғайган муҳитда анъанавий ҳисобланмиш политеизмдан кескин ажралиб чиқиш йўлида жиддий фикрий кураш жараёнини бошидан кечирган. Жумладан, ўз вақтида Л.А.Лелеков томонидан танқид қилинган (Лелеков Л., 19:363). Бойс Мери таъбири билан айтганда, неолит даврларидан бошланган зардуштийлик илдизлари азалий ҳинд-эрон культлари билан қоришган ҳолда бўлган (Мери Б., 20.348).

Аждодлар култи, сув, олов култи кабилар “Гох”ларда атайлаб четлаб ўтилганидек кўринади. Мазкур культларнинг инкор этилиши жаҳон динлари тарихида ўзига хос ўхшашликларга ҳам эга (*Коцюева С.*, 33:91-104). Зеро, уруғ-қабила жамоатчилик эътиқод шаклларида маросимий амалиётларида мазкур политеизм, яъни аждодлар култи кабилардан воз кечиш имкони йўқ эди. Зардушт эса айни шу асос ғоядан чалғитувчи ҳолатлардан чиқа билди. Жумладан, Ригведа анъаналари унга таниш бўлган ҳолда уларнинг эътиқод шакли уруғ-қабила культлари даражасида эканини тўғри англади ва ўзига қадар узоқ тарихга эга бўлган политеистик турлича талқин қилдилар. И.Гершевич “Қадимиятдан ажратилган “Гох”лардаги соф монотеистик ғоялар Зардушт тафаккури ноёблигини кўрсатади”, - дея таъкидлаган. Жумладан, у Зардуштнинг ўта юксак ва олижаноб таълимотидан жоҳилият политеизмига қадар тубанлашув кўплаб авлодларнинг маънавият хотиралари узлуксизлигининг оқибати, деб баҳолайди [E.Gershevitch, 13.20-21].

Зардушт шахсининг тарихан ноёблиги яна шунда эдики, у динлар тарихининг илк

босқичларига хос бўлган политеистик қарашлар ўрнига ягона мақсад йўлида айрим олинган индивид шахснинг ҳақиқат сари тўғри йўлланган ният сўзи ва амалини қўйди. Олимлар бу масалани Ригведа култи ва амалиётига қиёс қилиб Зардуштга нисбатан унинг миссияси улуғворлигини қайд этганлар. Зардушт ғояларининг илғорлигига қиёсан ҳиндларнинг Упанишадларида пайдо бўлган айрим янгиланишларни мисол келтирадilar. Бироқ, Упанишадлар илк политеизмдан зардуштийлик каби мутлақ узилмаган.

Шунга кўра, “Гох”лардаги монотеистик ғоя Зардушт талқинида муқаддас етти боб Ясна қўшиқларида яққол акс этган. Уларда Зардушт ҳаққоний эътиқод билан ёлғон эътиқодни қарама-қарама қўяди. Бу ғоялар Ясна (31-34.6) - 44, -11) қўшиқларда ифода топган 44-қўшиқнинг 11-бандида “Эй Аҳура ҳақиқат билан жавоб бер менга, Комил ақл динингни ўрганувчиларнинг қалбига қандай қилиб йўл топади? Мен сенинг бу ҳақиқатингни билиш учун ўзинг танлаганларнинг биринчисиман” (Маҳкам А., 5:2001), дея илтижо қилади. Шу сўзлардан кейин Зардушт Аҳура Маздани ёмонни яхшидан ажратишда ёрдам сўрайди: “Мен билан суҳбатдагиларнинг қай бири ҳақиқатпараст, қай бири девпараст, қай бири томон юз бурай. Ёмонликни кўриб кўз юмгангами ёки ўзи ёмонлик йўлидаги зотгами, қандай қилиб ёлғонни ўзимиздан ҳайдайлик, қандай қилиб ёлғонни ҳақиқат қўлига топширайлик” ва ҳоказо.

Кўриниб турибдики, Зардушт таълимотини шакллантиришда азалий анъанакор қуршовидан олиб чиқиб кетиши жуда оғир кечган. Ниҳоят, “Гох”ларда барча архаик эътиқодлардан воз кечилиб, олий ҳакам, якка ёлғиз яратувчилик қудрати ғоясига етиб келган. Ясна қўшиқларнинг 34-чисида Зардушт баралла баён қилади:

Мен сендан ўзга хос Зотни билмайман.

Ёвузлик руҳи яратувчи салоҳиятнинг зидди бўлиб,

У яратиш хоссасидан маҳрумдир (Исҳоқов М., 10:304).

Зардушт ёвузликни бир моҳиятнинг турли-туман кўринишлари, деб тушунтиради. Ёвузлик моҳияти Зардушт талқинида эзгу яралиш пайдо бўлгандан кейин унга бахиллик юзасидан чидамаслик туфайли рўёбга чиқади ва эзгулик йўлини бузишга беҳуда уринади (Amir Ahmadi, 2015).

Зардуштийлик илоҳиёти тушунчаси Ведалардаги ибтидоий ҳолатдан анча юқори. Ригведада илоҳиёт тизими моддий дунёнинг асотирлашган акси бўлгани ҳолда, Зардушт тасаввуридаги илоҳий зот қалбан идрок этиладиган тимсолий зот бўлиб, унинг моддий

ашёвий асослари йўқ, зеро барча моддийликда унинг борлиги намоёндыр. Шу маънода Зардушт ғоясининг юнон илоҳиёт тизимидаги политеизмга нисбатан ҳам ўта илғор даражада эканини таъкидлаш ўринлидир.

Келтирилган мулоҳазалар асосида Авестанинг қадимий қатламлари ўртасидаги ажратувчи хусусиятларга эътибор қаратамиз. “Гоҳ”ларда олий илоҳий зот – Ахура Мазда. Шахсан эзгулик ва ёвузлик ўртасида курашда бевосита қатнашмайди, унинг муайян моддий қиёфаси йўқ.

Нур, олов, сув, ҳаво, ер - булар эътиқод ва авайлаш объектлари сифатида унинг моҳиятини айнан акас эттирмайди. “Гоҳ”лар шу маънода Зардуштнинг фикрича, азалий анъаналардан ҳоли этилган. Кенжа Авестада эътиқод объектлари сон-саноксиз, ҳатто макон ва замон ҳам шулар қаторига қиради.

“Кенжа Авеста” Зардушт ғояларидан жиддий чекиниш даражасигача бориб етган. Унда Ахриман ва унинг турли қиёфалари, баъзи ўринларда суверен ҳаракат қилади. “Гоҳ”ларда ўлмас малоикалар, рамзий маънода Мазданинг яратувчанлик функциясига нисбатан турли соҳа ижрочиларидир. “Кенжа Авеста”да бу малак зотлар мустақил ҳаракатга туширилган. “Гоҳ”ларда Ахура Мазда азалий зот бўлса, Кенжа Авестада у Зурвана - Акарана, яъни боши - адоғи йўқ ва чексиз вақтнинг маҳсулидир (Исҳоқов М., 10:304). Кенжа Авестадаги бу каби мантикий силжишлар ва қадимиятга чекинишлар, аслида Зардушт айтган “ҳеч кимса эшитмаган ҳақиқат сўзи”га нисбатан зиддиятга киришади. “Кенжа Авеста” замонлар талабига кўра, Зардушт ғояларини турли йўналишларда тўлдириб борган десак, хато бўлмайди. Бироқ, “Кенжа Авеста” босқичида ушбу тўлдирувчи материал янгидан ижод маҳсули эмас, балки Зардуштгача амал қилиб келган қадимиятдан реанимация (қайта жонлантириш) орқали ҳал қилинган. Бу каби тўлдиришлар Видевдотда айниқса, кўп ва махсус тизимга солинган.

Зардуштнинг диний тафаккури ягона холик ва ягона шахс масъулиятига қаратилгани ҳолда, Кенжа Авестада етакчи ғоя жамоатга қаратилган ва умумжамият миқёсида амал қилиниши шарт бўлган диний амалий қондаларга айлантирилган. “Гоҳ”ларда мавҳум даъват, мистик доктрина руҳи етакчи бўлгани ҳолда “Кенжа Авеста”да реал ҳаётининг шакллари етакчи бўла бошлаган. Шу маънода Видевдотни Яштлардан фарқлаб айтиш мумкинки, уларда қадимий асотирлар босқичи билан боғлиқ лавҳалар зардуштийлик руҳига мослаштирилган.

“Гоҳ”лар жамияти босқинчилик, доимий ваҳшиёна талончилик, мол-ҳолни ва одамларни

хайдаб олиб кетиш каби ходислардан жабр кўрарди. “Гоҳ”ларда тинч, осойишта ҳаётга даъват, адолатли ҳукмдорлар қўл остида гуллаб-яшнаган аҳоли манзиллари бўлишига чақириқ руҳи яққол сезилиб туради. Бу орзу-умидлар эса чуқур ва улкан социал ўзгаришларни талаб этар эди. Аммо, бу жараён мураккаб ва шиддатли кечмоқда эди (Гафуров Б., 9:475). Бронза асрининг тугаши ва темир асрига ўтиш оралиғида юзага келган ушбу вазият ибтидоий уруғ жамоатчилиги давридаёқ ижтимоий кучга айланиб бўлган эди. Уруғ оқсоқоллари, оқсуяк зодагонлар, ибтидоий дин пешволари ҳамда ҳарбийлашган социал гуруҳ қабилаарга таянган илк давлатчилик сиёсий муносабатларнинг куртакларини намоён этган эди. Бироқ, чин маънода давлат асослари вужудга келиши учун уруғчилик анъаналари ва уруғ сардорларининг жамоавий ҳукмронлигини ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий бирлик даражасига олиб чиқувчи, ўз атрофида қишлоқ ва шаҳар социал тузилмаларини бирлаштиришга қодир куч алмаштириши лозим эди. Ҳолбуки, уруғ жамоачилик тизими тараққиётининг ўз имкониятини йўқотган, бироқ ҳар қандай йирик сиёсий уюшув ҳаракатига тўсқинлик қилувчи консерватив куч сифатида, ҳатто жамият бошқарувини майда, тор уруғ-қабила манфаатларига бўйсундирувчи сепаратив (ажратувчи) омили бўлиб, ўз таъсирини узоқ давом эттиради (Гафуров Б., 9:56-58). Ана шундай туб бурилиш босқичида фақат ижтимоий кучлар ҳаракати етилиб бораётган вазиятнинг сиёсий давлат тузуми шаклига кириши учун етарли эмас эди.

Жамиятда рўй бераётган туб бурилиш жараёни мафкуравий жиҳатдан ҳам асосланиши лозим эди. Зардушт келтирган диний ғоя мил. авв. II минг йиллик охири - I минг йиллик бошларидаги ижтимоий вазият учун тарихий зарурат эди. Чунки, Амударё ва Сирдарё оралиқлари ҳамда Ўрта Шарқ минтақасида бронза даври бағрида етилиб, ўтроқ деҳқончилик ҳамда хонаки чорвачиликнинг, ҳунармандчилик тақомили асосида юзага келган илк давлатчилик жараёнлари ибтидоий уруғ-жамоачилик қобиғига сиғмас эди. Ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, ижтимоий меҳнат тақсимотини чуқурлашуви, ҳунармандчиликнинг мустақил хўжалик-иқтисодий соҳасига айлана бориши, урбанистик ривожланиш тенденцияси, маъмурий марказ куртакларининг пайдо бўла бошлаши-буларнинг барчаси ўзининг мафкуравий асосига эга бўлиши лозим эди. Уруғ ва қабилаар ўртасида худолар ҳар хил, бунинг устига турли табиат унсурларига, дову дарахтга, замин ва осмон жисмларига сиғиниш, уларга бағишланадиган

хайр-эхсон шакллариининг жамиятга малол келувчи турли-туманлиги ва исрофгарчилик даражасидаги мўл-кўллиги ҳар томонлама жамият тараққиётига тўскинлик қилмоқда эди. Шу давр вакили Зардушт шахсининг феноменал хусусияти шунда эдики, бу инсон ўз замони олдида турган заруратни биринчи бўлиб англаб етган эди. Ибтидоий даврларга хос ижтимоий биқикликдан қутулишнинг, тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги босқичига кўтарилишнинг бирдан-бир чораси жамиятни бирлаштиришга қодир кучли мафкура эди. Эндигина тор уруғ-жамоачилик ва қабилачилик ҳамда шу таркибга мос ибтидоий диний тасаввурлар оламидан чиқиб, жамият уюшувининг қабиалар иттифоқи, этник маънода эл-элатчилик каби кўринишлари бошқарувнинг шунга мувофиқ тузилмасини, сиёсий бирлаштирувчи усуллари талаб қилмоқда эди. Ўз навбатида бу давр талаби илгари амал қилган эътиқод шакллари, уларнинг мазмунидаги натурфилософик қарашларни “синдириб”, диний ақидаларни оддий ашёвий асослардан мавҳум тимсолий зотлар томон силжитмоғи лозим бўлди. Зеро, улкан ҳудудий бирликни бошқариш билан боғлиқ ҳукмдорлик мақоми унинг легитимлиги масаласи ҳам турли “худо” ва “худоча”лардан воз кечиб, Парвардигорнинг яккалиги, унинг Яратувчи эканлиги, қолаверса, бронза даври ва темир асри чегараларида ишлаб чиқарувчи кучларнинг интенсив ўсиши, аҳоли демографиясидаги мусбат ривожланиш ҳоллари, қишлоқ ва қўшни қишлоқ жамоачилигининг уруғ жамоаси қобиғидан чиқиб, қабила ва қабила иттифоқи таркибига сингиб бориши, ҳудуд ичра турли хўжалик-иқтисодий бирликлар аро алоқаларнинг жонли тус олиши, жамиятнинг кичик воҳаларидан катта дарё воҳаларига ёйилиши, маъмурий марказлар заминида шаҳарлашув аломатлари, шаҳар ҳодисасининг ишлаб чиқариш, алмашув (савдо-сотиқ) муносабатларини уюштириш каби функциялари бўйича мустакил ижтимоий-иқтисодий ҳамда маъмурий-сиёсий бирликка айланиб бориши, ниҳоят, илк шаҳар марказлари маданий ва маънавий жараёнлари учун бош бўғинга айланиши, буларнинг ҳаммаси Зардушт яшаган давр хусусиятларининг турли қирралари эди. Ушбу мураккаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий янгиланиш даврининг моҳиятини, унинг объектив жараён эканини замон талаби сифатида тушунган оқил зот Зардушт бўлиб чиқди. Тарихдан маълумки, ҳар қандай ҳолларда илғор ғоялар ўз имкониятларини сарф этиб бўлган, аммо одатий манфаатларини қўлдан чиқаришни истамаган мутаассиб кучларнинг қаршилигига дуч келаверган.

Зардушт жамиятнинг пароканда бошини бирлаштириш, юрт мамлакат бирлиги, эътиқод бирлиги ғоялари билан келди. Унинг даъвати “худонинг бирлиги” ва мутлоқ эзгулигини, бутун борлиқни у эзгу қилиб яратгани, яралмиш дунёнинг асослари фақат эзгулик ва унинг сон-саноксиз ифодалари эканини одам аҳлига етказишга қаратилган эди. Авестада акс этган жамият масаласига келсак, унинг барча бўғинлари бир яхлит тизимнинг узвий силсиласи, бир-бирини тақозо этувчи бўлаклари деб тушунтирилган. Шу сабабли Авеста жамиятнинг асосини шахсда, унинг эътиқоддаги қатъийлиги ва барқарорлигида кўрган. Шахс эса мартиёнак (эркак), мишанак (аёл) бўлиб, унинг чин эътиқоди, эзгу нияти, эзгу сўз ва эзгу амали олам бутунлиги ҳамда эзгулигининг омили деб кўрсатган.

Авеста жамиятида инсон зотининг бошини қовуштиришда оила бирлиги нманйа (дманў) алоҳида ўрин тутди. Бу патриархал, яъни ота бошлиқ оила маъносидаги сўз бўлиб, оиланинг ҳомийси худо “нманйа” тушунчаси билан чатишиб кетган (Гафуров Б., 9:57). Ана шундай, ҳам дунёвий (уй, оила), ҳам диний маъно чатишуви орқали ифода этилган оиланинг ҳам отаси, ҳам руҳоний раҳнамоси ОТА бўлиб, унинг бу мақоми Авестада нманупати (дманупати) дейилган. Маълум аҳоли уюшмаси зантуни ташкил этган. Зантунинг ижтимоий етакчиси (оксоқоли) зантупати, руҳоний раҳнамоси сифатида зантупатининг ўз эса зантума дейилган. Юрт ҳукмдори бир неча зантуларнинг воҳа бўйича ҳудудий уюшмаси даҳйу, унинг маъмурий раҳнамоси даҳйупати, руҳоний етакчиси даҳйума дейилган. Барча бўғинларнинг руҳоний етакчиси заратуштроятма дейилиб, у ўз навбатида жамиятнинг диний раҳнамоси ҳисобланган.

Айни шу поғоналашган тизим бошида турган Ахура Мазда дастлаб Зардуштнинг ғоясига кўра якка, ҳар нарсага қодир, ҳар ерда ҳозир-нозир “бандалари”нинг ҳақ йўлда ўз имконлари даражасида изланишларини сабр билан кузатиб тургувчи собир, қадар қосими, дуо-илтижоларини тинглаб турувчи соме, ғолиб, музаффар, дардларга шифо берувчи ҳозиқ ва ҳоказо зот. Ушбу сифатлар сони Авестада бир юз битта. Худого унинг сифатлари орқали мурожаат этиш, ёки сифатлар айтилганда худони тушуниш динлар тарихида ўзига хос мақом бўлиб, зардуштийлик Ахура Мазданинг якка-ёлғизлиги тушунчасини жаҳон динлари орасида илк бора амалда қўллаган. Бироқ, зардуштийликнинг энг қадимги манбаи “Гоҳ”ларда бу сифатлар доираси кўпроқ Ашах (Арта), Испандармат (Спента

Армаитий), Шахриёр (Хшастра Варйа), Эзгу фикр (Ваху Мана) каби исмлар орқали ифодаланган. Мазкур сифат-исмлар туркуми эса Авеста “Яшт” наскида Ахура Мазданинг тажаллилари дея эътироф этилади.

Авестада оилаларнинг томир бирлиги асосидаги вис (висйа), уруғ-жамоа, кишлоқ бирлигининг илохий ҳимояти ҳам вис, қолаверса, унинг ердаги ижрочи “ноиб” – виспати. Висдан юқориқроқ, ундан ажралиб чиқиб, қўшни вислар билан қўшни кишлоқ жамоалари тизими ҳосил бўлгач, занту, ниҳоят даҳйу шаклланди. Ушбу алқов Зардуштнинг Ахура Маздага саволидан бошланади. Бу савол аслида ҳар бир инсон қалбида яширин муқаддас сўз ҳақида бўлиб, уни дилдан такрорлаб юриш жоиз ҳисобланган. Бошқача қилиб, бундай сўзни “мантра” деб юритилишини эслатиш ўринли. Ахура Мазда алқовида айни шу мантра даражасида кўнгилда яширин тутилиб, такрорлаб юриш лозим бўлган сўз худонинг сифатлари бўлган:

Эй, борлиқнинг халлоқи

Рухи Олий муқаддас

Айтгил менга, не боқий,

Буюрганинг эзгу сўз аро.

Ахура Мазда деди:

Менинг номим эрур бу

О Спитамен Зардушт...!

Шу баёнотдан кейин келувчи ҳолик (фраварта кара), ғолиб, ҳозик, ростлик, оқил (ақл), аълам, ҳомий, нодир, соме, нозир ва ҳоказо, бир юз бир сифат бўлиб, барчаси Ахура Мазданинг яккалигини кўрсатишга хизмат қилган.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, бронза даврига келиб Ўрта Осиё минтақаси ҳаётида суғорма деҳқончилик маданияти гуллаб яшнаган. Ишлаб чиқариш барқарор самаралар бера бошлаган. Ижтимоий меҳнат тақсимоти чуқурлашиб, хунармандчилик мустақил соҳага айлана бошлаган. Аҳоли концентрацияси орта бориб, муайян ҳудудлардаги демографик зичлик янги ижтимоий сифатлар пайдо қила бошлади. Ҳудудий бошқарув марказлари – илк шаҳар тузилмалари пайдо бўлган. Бу жараён мулкӣ муносабатларни ҳам ўзгартирган. Жамият таркибида табақаланиш анъанавий жамоачилик тамойилларининг ўзгаришига, баъзан эса маънавий янгиланиш эҳтиёжига ҳам олиб келган. Жамиятни энг оқил ва эзгу қонунлар асосида ривожлантириш

ғояси умуммаънавий заруриятга айланади. Айни шу давр тарихан узоқ ўтмишдан бошлаб инсоният томонидан тўплаб авайлаб келинган эзгулик ғояларини, инсонни ва жамиятни тарбиялайдиган ижтимоий фикрлар мажмуини тартибга солиш эҳтиёжини туғдирди. Ўз навбатида, бу табиий тарихий жараён минтақамизда тўпланган илғор ижтимоий, ахлоқий, фалсафий ғояларнинг Авеста китобида тўпланишига олиб келди. Бироқ узоқ ўтмишдан етиб келган ғоялар Зардушт даҳоси орқали тубдан қайта ишланди.

2. Зардуштийлик аввало, ваҳдоният ғояси билан юзага келган. Бироқ, Зардушт яшаган даврда одамлар ҳали ибтидоий диний қарашлар таъсиридан чиқмаган эдилар. Янги диний дунёқарашни ўзлаштириш мураккаб кечган ва қадимги тасаввурлар дунёсидан турли образларни қолдиқ сифатида сақлаш табиий бўлган. Шу аснода қадимиятдан зардуштийликка олиб кирилган илохий тушунчалар инсон жамияти таркибига қиёс қилинган ҳолда қайта амал қила бошлаган.

3. Зардуштийликнинг бош ғояси худо зотининг асоси ягоналик ва тўлиқ суверен экани моҳиятан ҳақиқат. Аммо, Зардуштдан кейин унинг мутлақ ваҳдоният ғоясига таянган қарашларига қадимий диний тасаввурлар доирасидан турли маъбуд ва маъбудалар ҳақидаги матнлар киритиб тўлдирилган. Аммо бу маъбудлар (авеста матнларида язатлар) ҳам Ахура Мазданинг яратганлари қилиб кўрсатилади. Булар Ахура Мазда яратган Митра (Меҳр), Ардви Сура, Вараҳран, Тиштрия (Тир), Аши, Апам Напат, Арштод, Чисти ва ҳоказолар. Бу маъбудларнинг турли вазифаларга тақсимланган фуқционал тизими эса Ахура Мазданинг иродаси ижросига хизмат қилади.

4. “Кенжа Авеста” маъбудлар тизими зардуштийликнинг амалиёти доирасини аввалги ибтидоий культлар ҳисобига бойитиш, артабонларнинг диний амалиётлари доирасини кенгайтириш, кундалик эҳтиёжлари ва армонларини рўёбга чиқариш воситаси даражасигача туширишга олиб келди.

5. Зардуштийлик дастлабки идеал самовий ғоя даражасидан дин амалиётининг кейинги ривож паллаларида тобора ижтимоийлашиб борган. Жумладан, маъбудлар ҳам айни шу ижтимоий функциялар доирасида одамларнинг орзу-истакларига хизмат қилиш даражасида амал қилишган. Бироқ, бу амаллар ҳар бир инсондан ихлос, чин эътиқод, аҳдга садоқат, имонда барқарорлик, ёвузлик, разолат, қабоҳатга қарши жанговарлик каби ҳислатларни талаб этган.

6. Зардуштийлик ижтимоий асосларининг олий мубадлик орқали омма орасига тўлиқ кириб бориши натижасида зардуштийлик оддий ибодатчи артабон учун ҳам “ўзиники”га айланди. Бу даражадаги ижтимоийлашув зардуштийлик давлат дини мақомига эришган пайтларда олий табакалар манфаатларига зид келди. Натижада Авестанинг “Видевдот” наскида зардуштийлик кундалик амалиёти ҳатто, инсон бажариши амри маҳол бўлган ўта мураккаб шаклларга солиб таърифлаган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Асқаров А.А. Сополлитепа. – Т.: 1977.
2. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимги эътиқод ва маросимлари. – Т.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. – 274 б.
3. Akhmadiy A. (2015). The Daēva Cult in the Gāthās: An Ideological Archaeology of Zoroastrianism. New York.
4. Фирдавсий А. Шохнома. К.1. // Форс. III. Шомухамедов тарж. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1975. – 736 б.
5. Avesto” Adabiy-badiiy yodgorlik. Asqar Mahkam tarjimasi. – Toshkent: Sharq, 2001.
6. Qayumov A.P. Xurdo Avesta // Qadimiy yozma yodgorliklar. – Т.: Yozuvchi, 2000. – В.4-32.
7. Abdolnizozov B., Is’hoqov M. Avesta va qadimgi chorvachilik. – Toshkent, 2008.
8. Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993. – 182 с.
9. Гафуров Б.Г. История таджикского народа. Т.1. – М.: Полит.лит. 1949. – 475 с.
10. Исҳоқов М. Авеста: Зардушт “Гоҳ”лари (маъно ўғирмалари ва герменевтик талқинлари). – Т.: 2022. – 304 б.
11. Бертельс Е. История персидско-таджикской литературы. – М., 1960. – 523 с.
12. Дорошенко Е.А. Зороастрийцы в Иране. – М.: ГРВЛ, 1982. – С.52-84.
13. Gershevitch E. The Avestian Hymn to Mithra. - Cambridge, 1959, 1965. – P.20-21.
14. Sulaymonova F. Sharq va G’arb. – Т.: Fan, 1991. – 255 б.
15. Махмудова Г.Т. Философская сущность Авесты. – Т.: Изд. журнала “Санъат”, 2010. – С.202.
16. Алиев И. История Мидии. – Баку: Изд. АН. Азерб. ССР, 1960. – 361 с.
17. Is’hoqov M.M., Sulaymonov R. Zaratushtianing vatani va uning yashagan davriga oid mulohazalar // O’zbekiston tarixi. – Toshkent, 1999. № 1. – В.45-54.
18. М.М.Исхаков, Р.Т.Уразова Некоторые вопросы сравнительного анализа уровня мифологии и общественных отношений (на примере Ригведы и Авесты). – Тошкент, 2013. – В.72-80.
19. Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – 363 с.
20. Boyse M.A. History of zoroastrianism. Vol. 2. – Leiden, 1982. – 348 p.
21. Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи. – М.: Наука, 1988. – 303.
22. Элиаде М. Мистерии Митры // История веры и религиозных идей. – М.: Критерий, 2002. – Т. II.
23. Авесто. Яшт китоби. Мирсодиқ Исҳоқов таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 128 б.
24. Is’hoqov M.M. “Avesto”da ezgulik va yovuzlik (mifologik qatlamlar tahlili asosida) // O’zbekiston tarixi. – Toshkent, 2001. № 3. – В.22-30.;
25. Iskhakov M., (2001). The first Zoroastrian period and Samarkand. History of Uzbekistan vol. (3). pp. 42-47.
26. Iskhakov M., (2007). Avesta: the Videvdat book. Tashkent, Tashkent Oriental Institute.
27. Стеблин-Каменский М.И., (1976). Миф. Наука.
28. R. Urazova, (2017). Zardushtiylikda ma’budalarning funksiyalari va ijtimoiy-tarixiy mohiyati // monografiya. – Toshkent.
29. Urazova R., (2022). Ameshaspentals and their functional analysis in Avesta (Asha-Vahishta and Vahu-mana. Philosophical sciences vol. (2), pp. 17-44.
30. Р.Уразова. Авеста ёзувига оид айрим қайдлар. Имом Бухорий сабоклари. – Самарканд, 2023. №3. – В.20-22.
31. Urazova R., (2023). Zardushtiylik. Tashkent.
32. R.Urazova and others., (2024). Socio-historical foundations of the monotheism (Ahura Mazda) in Ghats of Avesta. Synesis . Journal of North Eastern Society of Columbia University vol. (9), pp. 5-9.
33. Коцоева С.Г. Культ огня, воды и чистоты, или элементы зороастризма в этно-религиозной традиции осетин. Kavkaz-Forum. 2021. № 7 (14). – С.91-104.
34. Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: Изд. МГУ., 1948. – 352 с.
35. Токарев С.А. Религии у разных народов в прошлом и настоящем. – М.: Знание, 1961. – 32с.
36. Shaydullayev Sh.B. «Avesta» va ilk davlatchilik // “Jamiyat va boshqaruv” jurnali, № 4. 2004. – В.42-43;
37. Лившиц В.А. Предисловие к книге “Авеста. Избранные гимны”. / Пер. И.М.Стеблин - Каменского. – Душанбе, 1990. – 175 с.
38. Токарев С.А. Религия в истории народов мира. – М.: Политиздат, 1964. – 560 с.

REFERENCES:

1. Askharov A. (1977). Sopollitepa. Tashkent, Fan.
2. A.Ashirov, (2007). Beliefs and rituals of the Uzbek people. Tashkent. Publishing house of the National Library of Uzbekistan named after Alisher Navoi.
3. Akhmadiy A. (2015). The Daēva Cult in the Gāthās: An Ideological Archaeology of Zoroastrianism. New York.
4. Farabiy A., (1975). Shahnameh. Tashkent. Literature and Art.
5. Makham A., (2001). “Avesto” Literary and artistic monument. Tashkent, Sharq.
6. Qayumov A., (2000). The Old Avesta // Ancient Written Monuments. Tashkent, Yozuvchi / Writer.

7. Abdolnizozov B., Is'khoqov M., (2008). Avesta and ancient livestock. Tashkent.
8. Asqarov A., Shirinov T. (1993). Early Urban culture of the Bronze Age in Southern Central Asia. Samarkand.
9. Gafurov B., (1949). The history of the Tajik people. Political Literature.
10. Iskhakov M., (2022) Avesta: Zoroastrian "Gathas" (Meaning Translations and Hermeneutic Interpretations), Tashkent. - 304 p.
11. Bertel's E., (1960). The history of Persian-Tajik literature. Moscow.
12. Doroshenko E., (1982). Zoroastrians in Iran. Moscow.
13. Gershevitch E., (1965). The Avestian Hymn to Mithra. U.K. Cambridge.
14. Sulaymanova F., (1991). East and West. Tashkent. Fan.
15. Makhmudova G., (2010). The philosophical essence of the Avesta. Tashkent. San'at / Art.
16. Aliev I., (1960)., History of Media. Baku, Azerbaijan Academy of Sciences.
17. Iskhakov M., Sulaymonov R. (1999). Reflections on the homeland of Zarathustra and the period in which he lived. History Of Uzbekistan vol.(1), pp. 45-54.
18. Iskhakov., Urazova R., (2013). Some issues of comparative analysis of the level of mythology and social relations (using the example of Rigveda and Avesta). "Avesto kadriyatlari: zamonaviilik, din va falsafa". Tashkent: Conference materials, pp.72-80.
19. Lelekov L., (1992). Avesta in modern science. Moscow.
20. Boyse M., (1982). History of zoroastrianism. Leiden.
21. Boyse M., (1988). Zoroastrians. Beliefs and customs. Nauka.
22. Mircha E., (2002). The Mysteries of Mithras // History of Faith and Religious Ideas. Kriterion.
23. Iskhakov M., (2001). Avesta. Yasht Book. Tashkent, Sharq.
24. Iskhakov M., (2001). Good and Evil in the Avesta: An Analysis of Mythological Layers. History of Uzbekistan vol. (3). pp. 22-30.
25. Iskhakov M., (2001). The first Zoroastrian period and Samarkand. History of Uzbekistan vol. (3). pp. 42-47.
26. Iskhakov M., (2007). Avesta: the Videvdad book. Tashkent, Tashkent Oriental Institute.
27. Стеблин-Каменский М.И., (1976). Myth. Nauka.
28. Urazova R., (2017). The functions and socio-historical essence of goddesses in Zoroastrianism. Tashkent.
29. Urazova R., (2022). Ameshaspentas and their functional analysis in Avesta (Asha-Vahishta and Vahu-mana. Philosophical sciences vol. (2), pp. 17-44.
30. Urazova R., (2023). Some notes on the Avesta script. Teaching of Imam-al Bukhari vol. (3), pp. 20-22.
31. Urazova R., (2023). Zoroastrism. Tashkent.
32. R.Urazova and others, (2024). Cocio-historical foundations of the monotheism (Ahura Mazda) in Ghats of Avesta. Synesis . Journal of North Eastern Society of Columbia University vol. (9), pp. 5-9.
33. Kosovseva S.G. (2021). The cult of fire, water and purity, or elements of Zoroastrianism in the ethno-religious tradition of the Ossetians. Kavkaz-Forum. Kavkaz-Forum vol. (7), pp. 91-104.
34. Tolstov S., (1948). Ancient Khorezm. Moscow State University.
35. Tolstov S., (1986). Religion in the History of the Peoples of the World. Politizdat.
36. Shaydullayev Sh.B., (2004). Avesta and early statehood. Society and Governance " magazine vol. (4), pp. 42-43.
37. Livshits V.A., (1977). New Parthian documents from South Turkmenistan. Academy of Sciences.
38. Tokarev S.A., Religion in the History of the World's Peoples. - Moscow: Politizdat Publishing House pp. 58, 81 and following.